

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

*Искандаров Саидаъзамхон Салоҳиддин ўғли*

*Тошкент давлат иқтисодий университеті*

*мустақил изланувчиси*

*iskandarovsaidazamxon@gmail.com*

**Аннотация** - Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришнинг назарий-услубий асослари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқотда тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини кенгайтириш, ижтимоий фаолликни ошириш ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омил сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, касбий кўникмаларни шакллантириш ҳамда ҳудудий иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш камбағалликни қисқартиришда асосий йўналишлардан бири экани асослаб берилади. Мақолада тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, уни ривожлантириш механизмлари ва кам таъминланган аҳоли қатламларини иқтисодий фаолликка жалб этишининг услубий ёндашувлари ёритилади.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик фаолияти, камбағалликни қисқартириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, аҳоли бандлиги, даромад манбалари, иқтисодий фаоллик, ижтимоий ҳимоя, ҳудудий ривожланиш, молиявий қўллаб-қувватлаш.

### КИРИШ.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб, бормоқда, мазкур соҳада кенг қўламли институционал ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини диверсификация қилиш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришга қаратилган янги механизмлар жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича фармон ва қарорларида соҳани тизимли ва институционал ривожлантириш юзасидан ислоҳотлар амалга ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон қарори ҳамда 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-

тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ-143-сон Фармонида қуйидагича устивор вазифалар белгилаб берилган.

**биринчидан**, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини даромадли меҳнатга жалб қилиш ва янги иш ўринлари яратишни кенгайтириш;

**иккинчидан**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва грантлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш;

**учинчидан**, “бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ҳудудларни ихтисослаштириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

**тўртинчидан**, маҳаллаларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш;

**бешинчидан**, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш, бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш ва “уста-шогирд” тизими орқали амалий тажрибани ошириш;

**олтинчидан**, етакчи тадбиркорлар, экспортёрлар ва кластерлар билан кооперацияни кучайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқариш занжирларини ривожлантириш;

**еттинчидан**, тадбиркорлик фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш.

Мазкур чора-тадбирлар тадбиркорлик фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни барқарор қисқартиришнинг муҳим иқтисодий омили сифатида хизмат қилади. Шу боисдан, келтирилган устивор вазифаларни тадқиқ этиш, замонавий тадбиркорлик стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни миқдорий баҳолаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни миқдорий баҳолаш мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш жараёни иқтисодий ўсиш, инвестициялар, меҳнат бозори ва тадбиркорлик фаоллиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик орқали шаклландиган мураккаб тизим сифатида қаралади.

Шу боисдан, тадбиркорлик ва камбағаллик тушунчалари, уларнинг категориялари ва бартараф этиш усулларини ҳамда уларнинг макроиқтисодий таъсирларининг назарий асосларини ўрганиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛ.

Мазкур масалаларнинг назарий ва услубий асослари иқтисодий фикр тарихида муҳим ўрин тутган бир қатор олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган. Тадбиркорлик тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий жиҳатдан узоқ даврни қамраб олиб, турли даврларда турлича мазмунда талқин қилинган. Илк босқичларда, хусусан, Рим ҳуқуқида тадбиркор (арендатор) жамоат қурилиш ишларини амалга оширувчи шахс сифатида қаралган. Ўрта

асрларда эса тадбиркор “антрепренер” сифатида катта қурилиш ёки ишлаб чиқариш лойиҳалари учун давлат билан шартнома тузувчи субъект сифатида таърифланган.

XVIII асрга келиб, тадбиркорлик тушунчаси иқтисодий мазмун касб эта бошлади. Хусусан, Richard Cantillon тадбиркорни риск шароитида фаолият юритувчи шахс сифатида тавсифлаб, унинг функциясини капитал эгасидан фарқлаган [1; 12-32 б.]. Шунингдек, Anne Robert Jacques Turgot тадбиркор муваффақиятга эришиши учун капитал ва ахборотга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаган [2; 48-53 б.].

XIX асрда Jean-Baptiste Say тадбиркорликни ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш жараёни сифатида кўриб, тадбиркор даромадини унинг ташкилий қобилияти ва бошқарув маҳорати билан боғлаган [3]. Кейинчалик Francis Walker капиталдан олинадиган фойза ва тадбиркорлик даромади ўртасида фарқ борлигини илмий асослаб берган [4].

XX асрда Joseph Schumpeter тадбиркорни инновация яратувчи новатор сифатида талқин қилиб, уни иқтисодий ривожланишнинг асосий драйвери деб ҳисоблаган [5; 89-102 б.]. Кейинчалик Peter Drucker тадбиркорни имкониятларни аниқлаб, улардан максимал самара билан фойдаланувчи шахс сифатида изоҳлаган [6; 21-23 б.].

Замонавий ёндашувларда тадбиркорлик шахснинг ташаббускорлиги, рискни ўз зиммасига олиши ва жамиятда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ташкил этиш қобилияти билан боғланади. Масалан, Albert Shapiro тадбиркорни тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олувчи субъект сифатида таърифлаган [7], Gifford Pinchot эса “интрапренерлик” тушунчасини киритиб, тадбиркорликни корхона ичида ҳам амалга ошириш мумкинлигини асослаб берган [8].

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи бугинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик катлами шаклланиб борди.

Иқтисодиёт назарияси фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р. Контильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж.Б. Сеи асарларида амалга оширила бошланди. Бирок ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг қуп маънолилиги сакланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунча ҳақида қупинча бу факулда ходисанинг иқтисодий, ташкилий ва рухий тавсифлари (турли-туман қарашлар) туплашидан иборат ҳар хил тасаввурлар мавжуд [3].

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини қуп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорликнинг ижтимоий - иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан тақлиф орасида мувозанат урнатишга доир таққомиллик фаолиятидан иборат деб тан олинган.

Кейинчалик “сармоя эгаси” ва “Тадбиркор” тушунчалари бир-биридан фарклана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юритишни, купайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядор, яъни жалб қилинган молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга уз гоёлари, билими ва куникмаларини татбиқ қилиб, куп фойда олиш мақсадида уша маблағларни таваккали ишларга сарфлайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади — бозорда талаб мавжуд бўлган ҳамда тадбиркорга фойда келтирадиган товарни ишлаб чиқариш ва уни бозорга таклиф этишдан иборат. Фойда эса даромадларнинг харажатлардан ортиқ қисми сифатида шаклланиб, у тадбиркор томонидан истеъмолчининг қондирилмаган ёки яширин эҳтиёжлари аниқланган товарни ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш бўйича қабул қилинган қарорни амалга ошириш натижасида юзага келади.

Адабиётлар таҳлили натижасида тадбиркорлик тушунчасининг келиб чиқиши ва фаолият сифатида ривожланиши босқичларини қуйидагича қиёсий жадвалда келтирилади.

### 1-жадвал

#### “Тадбиркорлик” атамасининг турли даврлардаги классик иқтисодчилар таърифлари

Муаллифлар	“Тадбиркорлик” атамасининг турли даврлардаги машҳур олимларнинг таърифлари
Рим ҳуқуқи	Арендатор - жамоат қурилиш ишларини амалга оширувчи шахс
Ўрта асрлар	Антрепренер - парадлар ва мусиқий намоишлар ташкилотчиси; йирик қурилиш ёки ишлаб чиқариш лойиҳалари ижроси учун масъул шахс. XVII асрда: давлат билан олдиндан келишилган қиймат асосида шартнома тузган шахс
Франция тижорат луғати (Париж, 1723)	Объектни ишлаб чиқариш ёки қуриш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олган шахс
Р. Кантиён (1755)	Риск шароитида фаолият юритувчи шахс; капитал тақдим этиш функцияси тадбиркорлик функциясидан фарқ қилади
А. Тюрго (1766)	Тадбиркор ахборот ва капиталга эга бўлиши лозим. Капитал иқтисодиётнинг асоси, фойда эса тадбиркор муваффақиятининг мақсадидир
К. Бодо (1797)	Фаолият учун жавобгарликни ўз зиммасига олувчи шахс; маълум интеллектга, яъни турли ахборот ва билимларга эга бўлган субъект
Ж.Б. Сэй (1803)	Капиталдан олинadиган даромад тадбиркорлик даромадидан фарқ қилади; бу даромад тадбиркорнинг иқтидори, фаолияти, тартиб-интизоми ва бошқарув қобилияти учун берилadиган мукофотдир
Ф. Уокер (1876)	Капитал тақдим этувчи ва фоиз олувчи шахслар билан ташкилий қобилиятлари орқали фойда олувчи тадбиркорларни фарқлаш лозим
Й. Шумпетер (1912)	Тадбиркор - ташаббускор, олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлган ва янги технологияларни ишлаб чиқувчи новатор
П. Друкер (1964)	Тадбиркор - мавжуд ҳар қандай имкониятдан максимал самара билан фойдаланувчи шахс
А. Шапиро (1975)	Тадбиркор - ташаббус кўрсатувчи ва ижтимоий-иқтисодий механизмларни ташкил этувчи шахс; риск шароитида ҳаракат қилиб, мумкин бўлган муваффақиятсизлик учун тўлиқ жавобгарликни ўз

	зиммасига олади
Г. Пиншо (1985)	Интрапренер - мавжуд бизнес доирасида фаолият юритувчи тадбиркор (корхона ичидаги тадбиркорлик)

1-жадвалда келтирилган адабиётларнинг қиёсий таҳлили тадбиркорликнинг замонавий назарий асослари, институционал ёндашув, инновация ва бозор жараёнлари доирасида шаклланган тушунчаларни ёритади ҳамда “тадбиркор” атамасининг классик талқинларидан замонавий иқтисодий мазмунга ўтишини илмий жиҳатдан асослаб беради.

### МЕТОДОЛОГИЯ.

Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг камбағалликни қисқартиришга таъсирини комплекс тарзда таҳлил қилишга қаратилган илмий ёндашувлар, усуллар ва инструментлар мажмуасидан иборат. Методологик асос сифатида иқтисодий назария, институционал ёндашув, ҳамда замонавий эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилади.

Тадқиқотда тизимли ва комплекс ёндашув асосида тадбиркорлик, бандлик ва камбағаллик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўриб чиқилади. Бу жараёнда тадбиркорлик иқтисодий ўсишни таъминловчи, янги иш ўринларини яратувчи ва аҳоли даромадларини оширувчи асосий омил сифатида баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотда макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражаларда таҳлил усуллари биргаликда қўлланилади.

Методологик жиҳатдан қуйидаги асосий усуллардан фойдаланилади:

*анализ ва синтез усули* - мавжуд илмий қарашларни ўрганиш ва умумлаштириш;

*индукция ва дедуция усули* - алоҳида ҳолатлардан умумий хулосалар чиқариш ва аксинча;

*иқтисодий-статистик таҳлил усуллари* - кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш;

*таққослама таҳлил* - турли мамлакатлар ва ҳудудлар тажрибасини солиштириш;

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Тадбиркорлик фаолияти келиб чиқиши ва ривожланишининг назарий асосларини таҳлил қилишда классик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларини ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган фаолият кўринишларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу боисдан, тадбиркорлик фаолияти келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш ҳамда ҳар бир даврдаги ўзгариш қонуниятларини аниқлаш уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик тарихи ўрта асрлардан бошланади. Ўша даврдаёқ савдогарлар, тижоратчилар, ҳунармандлар ва миссионерлар илк тадбиркорлар сифатида намоён бўлган. Капитализмнинг шаклланиши билан бойликка интилиш чекланмаган фойда олиш истагини келтириб чиқарди. Тадбиркорлар фаолияти аста-секин профессионал ва цивилизациялашган тус ола бошлади. Кўп

ҳолларда ишлаб чиқариш воситалари эгалари бўлган тадбиркорлар ўз фабрика ва заводларида шахсан меҳнат қилганлар.

XVI асрнинг ўрталарида акциядорлик капитали пайдо бўлиб, акциядорлик жамиятлари ташкил этила бошлади. Илк акциядорлик компаниялари халқаро савдо соҳасида вужудга келган. Энг дастлабки компаниялардан бири 1554 йилда Россия билан савдо қилиш учун ташкил этилган инглиз савдо компаниясидир. Кейинчалик, 1600 йилда инглиз Ост-Ҳинд компанияси, 1602 йилда голланд Ост-Ҳинд компанияси, 1670 йилда эса Гудзон кўрфази компанияси ташкил этилди. Кейинги даврларда акциядорлик шакли иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам кенг кириб борди.

XVII аср охирида илк акциядорлик банклари пайдо бўлди. Жумладан, 1694 йилда акциядорлик асосида Англия банки, 1695 йилда эса Шотландия банки ташкил этилди. XVIII аср охири - XIX аср бошларига келиб, банк фаолиятини ташкил этишнинг акциядорлик шакли кўплаб мамлакатларда кенг ривожланди. Бу даврда илгари мавжуд бўлган йирик оилавий фирмалар мулки акцияларга бўлина бошлади, минглаб инвесторлар акциядорларга айланди. Шу билан бирга, кичик ва йирик бизнес ўртасидаги фарқ тобора кучайиб борди. Бундай шароитда кичик фирмаларнинг фаолият юритиши қийинлашиб, инновацияларни жорий этишда қийналган бўлса, ўрта ва йирик фирмалар тез суръатларда ривожлана бошлади.

Бу даврда максимал фойда олиш ғояси тобора кенг тарқала бошлади. Шу билан бирга, янги касб - *менежер*, яъни йирик ишлаб чиқаришни бошқарувчи ва ташкил этувчи раҳбар пайдо бўлди. Илгари бир шахсда жамланган тадбиркорлик функциялари ихтисослашган соҳаларга ажратила бошлади. Молиячилар, иқтисодчилар, бухгалтерлар, юристлар, конструкторлар ва технологлар каби янги мутахассислар пайдо бўлди. Уларнинг барчаси устидан эса бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга ихтисослашган менежер етакчи ўринни эгаллай бошлади.

Россия Федерациясида тадбиркорлик илк бор Киев Руси даврида вужудга келиб, асосан савдо шаклида намоён бўлган. Россиядаги дастлабки тадбиркорлар сифатида майда савдогарлар ва тижоратчиларни кўрсатиш мумкин. Тадбиркорликнинг кейинги ривожланиши Пётр I (1689–1725) даврига тўғри келади. Бу даврда бутун Россия бўйлаб мануфактуралар ташкил этилди, тоғ-кон, курулсозлик, тўқимачилик ва пахта саноати жадал ривожланди. Ўша даврда саноат тадбиркорлари орасида Демидовлар сулоласи энг йирик ва машҳур ҳисобланган бўлиб, унинг асосчиси тула шахрилик темирчи бўлган.

Кейинги босқичда тадбиркорликнинг ривожланиши крепостнойлик (қулликка яқин меҳнат муносабатлари) тизими мавжудлиги сабабли маълум даражада чекланган. Тадбиркорлик ривожига кучли туртки берган омил 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқининг бекор қилиниши бўлди. Ушбу ислохотдан кейин темир йўллар қурилиши бошланди, оғир саноат қайта ташкил этилди ва акциядорлик фаолияти жонланди. Саноатни ривожлантириш ва қайта қуриш жараёнига хорижий капиталнинг жалб қилиниши ҳам катта таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятининг

шаклланиши ва ривожланиши кўп асрлик тарихий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда вужудга келган. Ушбу ҳудудларда тадбиркорликнинг илк кўринишлари қадимги даврлардаёқ савдо-сотик, ҳунармандчилик ва деҳқончилик фаолияти орқали намоён бўлган.

Айниқса, Марказий Осиёнинг географик жиҳатдан Буюк Ипак йўлида жойлашгани тадбиркорлик муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига кучли туртки берган. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар нафақат маданий, балки йирик савдо марказлари сифатида ҳам шаклланиб, бу ерларда тижорат фаолияти, бозор инфратузилмаси ва молиявий муносабатлар ривожланган.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиё ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва унинг турли кўринишларини тарихий-иқтисодий жиҳатдан қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин [16; 25 - 32 б.]:

**Биринчи босқич.** Қадимги ва илк савдо муносабатлари даври (мил. авв. даврлар - VI асргача) - бу босқичда тадбиркорликнинг дастлабки шакллари деҳқончилик, чорвачилик ва маҳаллий савдо муносабатлари орқали намоён бўлган. Айирбошлаш муносабатлари устувор бўлиб, бозор элементлари шакллана бошлаган.

**Иккинчи босқич.** Буюк Ипак йўли ва ўрта асрлар даври (VI–XV асрлар) - халқаро савдо кенг ривожланган, шаҳарлар савдо-иқтисодий марказларга айланган. Карвон савдоси, ҳунармандчилик ва бозор инфратузилмаси тадбиркорликнинг асосий кўринишлари сифатида шаклланган.

**Учинчи босқич.** Хонликлар ва маҳаллий бозор иқтисодиёти даври (XVI–XIX аср бошлари) - Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида ички савдо, ҳунармандчилик ва кичик ишлаб чиқариш ривожланган. Давлат томонидан солиқ ва бож тизими орқали тадбиркорлик фаолияти тартибга солинган.

**Тўртинчи босқич.** Россия империяси таъсири даври (XIX аср иккинчи ярми - 1917 йил) - ташқи савдо кенгайган, саноат элементлари кириб келган, бироқ тадбиркорлик кўп жиҳатдан мустамлакачилик манфаатларига хизмат қилган. Тижорат банклари ва савдо компаниялари пайдо бўла бошлаган.

**Бешинчи босқич.** Совет режали иқтисодиёт даври (1917–1991 йиллар) — хусусий тадбиркорлик амалда бекор қилинган, барча ишлаб чиқариш воситалари давлат мулкига айланган. Иқтисодиёт марказлашган режа асосида бошқарилгани сабабли тадбиркорлик фаолияти чекланган.

**Олтинчи давр.** Мустақиллик ва бозор иқтисодиётига ўтиш даври (1991–ҳозирги кунгача) - хусусий мулкчилик қайта тикланган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган институционал ва ҳуқуқий база шакллантирилган. Шунингдек, тадбиркорликни рағбатлантириш, рақамли иқтисодиёт, стартаплар, кластерлар ва экспортга йўналтирилган бизнес моделлар жадал ривожланмоқда.

Жаҳон иқтисодиёт назариясида, замонавий, яъни тадбиркорлик ривожланишининг учинчи босқичи (XX асрнинг 1970-йилларидан ҳозирги кунгача) ҳақида гапирадиган бўлсак, А.О. Блинов ва И.М. Шапкинлар қуйидаги бешта асосий тенденцияни ажратиб кўрсатадилар:

1. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг тўлов қобилиятига эга талабининг ўсиши, бу эса ўз навбатида «индивидуаллашган» истеъмолга олиб келади. Натижада оммавий ишлаб чиқариш қисқаради ва кичик серияли ишлаб чиқариш ўсади. Бундай шароитда кичик корхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланган ҳолда йирик ишлаб чиқарувчилар билан тенг рақобатлаша оладиган даражага эга бўлади.

2. Замонавий технологияларнинг корхона ҳажмига таъсири. Янги технологиялар асосида шаклланган мослашувчан ишлаб чиқариш-технологик тизимлар корхоналарнинг ҳажми ва ходимлар сонига қатъий боғлиқ бўлмай қолди. Шу билан бирга, замонавий ишлаб чиқариш воситаларининг нисбатан арзонлашиши янги корхоналарни ташкил этишдаги инвестицион тўсиқларни камайтиради.

3. Инновацион соҳада кичик тадбиркорликнинг ролининг ўзгариши. Илгари фақат илғор технологияларни ўзлаштирувчи субъект сифатида қаралган кичик бизнес, эндиликда янги технологиялар ва ишлаб чиқариш воситаларини яратувчи субъектга айланди. Бу ҳолат ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ихтисослашуви, бошқарувнинг мослашувчан ва норасмий шакллари, ижодий муҳитнинг мавжудлиги ҳамда эскирган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш заруратининг йўқлиги билан изоҳланади. Шунингдек, кичик бизнес шароитида ихтиродан тайёр маҳсулотгача бўлган цикл йирик компанияларга нисбатан анча қисқа бўлиб, ўртача 1,5–2 баробар тезроқ амалга оширилади.

4. Давлатнинг кичик бизнесга нисбатан ёндашувида туб ўзгаришлар. Кичик бизнесни ривожлантириш ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Сўнгги ўн йилликларда кичик ва ўрта бизнеснинг барқарор ўсишига олиб келган асосий омиллардан бири давлат томонидан уни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган сиёсат ҳисобланади.

5. Кичик ва ўрта бизнеснинг интернационаллашуви ва трансмиллийлашуви. Йирик трансмиллий капитал ёрдамчи операцияларни ёки ишлаб чиқаришнинг якуний босқичларини хорижга кўчиришга интиломоқда. Бу эса ишчи кучи қиймати, табиий ресурслар харажатлари ва транспорт харажатларини тежаш имконини яратади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз “тадбиркор” ва “тадбиркорлик” тушунчаларига қуйидагича таъриф берамиз:


“Тадбиркор – юридик ёки жисмоний шахс сифатида мунтазам равишда фаолият олиб борувчи инсондир”.

“Тадбиркорлик – қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида фойда (даромад) олиш, бандликни таъминлаш, бозорларнинг мўл-кўллигини оширишга хизмат қилувчи ташаббускор фаолият ҳисобланади”.

Кўриниб турибдики бу таърифда тадбиркорликнинг ҳар учала жиҳати (бозорларни тўлдириш, фойда (даромад) олиш, бандликни таъминлаш) ҳам

мужассам. Иқтисодий омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда тадбиркорликнинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий шарт-шароитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аввало, бу истеъмолчиларнинг муайян дид ва модага мос келувчи товарларни харид қилишга бўлган интилиши билан изоҳланади. Турли босқичларда истеъмол эҳтиёжлари ўзгариб бориши мумкин. Бу жараёнда ахлоқий ва диний меъёрлар, шунингдек, ижтимоий-маданий муҳит ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, шахснинг меҳнатга бўлган муносабатини шакллантиради. Бу эса ўз навбатида, унинг иш ҳақи миқдорига ва бизнес томонидан таклиф этиладиган меҳнат шароитларига нисбатан муносабатини белгилайди. Қуйида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий схемаси келтириб ўтилган (1-расм).



1-расм. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёни

Тадбиркорлик фаолиятдан тадбиркор маънавий ва иқтисодий қониқиш олиши лозим. У ўз ходимларининг меҳнат фаолиятига оид ижтимоий масалаларни ҳал этишда иштирок этади, жумладан, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйвери сифатида нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тадбиркорлик тушунчаси тарихи ва унинг эволюцияси таҳлили шуни тасдиқлайдики, у оддий савдо муносабатларидан тортиб, замонавий инновацион ва рақамли иқтисодиётгача

бўлган узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё худудларида тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий, институционал ва иқтисодий омиллар таъсирида босқичма-босқич такомиллашиб борган. Айниқса, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида хусусий мулкчилик мустаҳкамланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган самарали механизмлар шакллантирилди. Сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эса тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, институционал тўсиқларни бартараф этиш ва инвестицион жозибadorликни оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инсон капитали, инновациялар, замонавий технологиялар ҳамда ҳуқуқий муҳитнинг мукамаллиги ҳал қилувчи омиллардан бири эканлиги аниқланди. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақобат муҳитини шакллантириш ва бозор механизмларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

### **ХУЛОСА.**

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш масаласи комплекс ёндашувни талаб этади. Бу эса макроиқтисодий сиёсат, институционал ислохотлар ва инновацион ривожланиш стратегияларини уйғунлаштиришни тақозо этади. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини иқтисодий-математик моделлар асосида баҳолаш эса келгусида янада аниқ ва самарали қарорлар қабул қилиш имконини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Кантильон Р. Эссе о природе торговли в общем. – Лондон : Macmillan, 1755. – 430 с.
2. Тюрго А. Р. Ж. Размышления о формировании и распределении богатства. – Париж : Guillaumin, 1766. – 160 с.
3. Сэй Ж.-Б. Трактат по политической экономии. – Париж : Deterville, 1803. – 600 с.
4. Уокер Ф. А. Заработная плата. – Нью-Йорк : Henry Holt and Company, 1876. – 440 с.
5. Шумпетер Й. А. Теория экономического развития. – Кембридж : Harvard University Press, 1912. – 255 с.
6. Друкер П. Ф. Инновации и предпринимательство. – Нью-Йорк : Harper & Row, 1964. – 277 с.
7. Шапиро А. Предпринимательство и экономическое развитие. – Нью-Йорк : Free Press, 1975. – 150 с.
8. Пиншо Г. Интрапренерство. – Нью-Йорк : Harper & Row, 1985. – 320 с.
9. Друкер П. Ф. Инновации и предпринимательство: практика и принципы. – Нью-Йорк : HarperBusiness, 1993. – 336 с.

10. Баумоль У. Дж. Предпринимательство: продуктивное, непродуктивное и разрушительное // Journal of Political Economy. – 1990. – Т. 98, № 5. – С. 893–921.
11. Абдуллаев Й., Рахимов А. Экономическая теория. – Ташкент : Ўқитувчи, 2018. – 384 с.